

Цикорий ўсимлиги илдизининг қуруқ экстрактини экспериментал гипергликемияга таъсири

З.У. Усманова, Ф.Абдуазимова, А.Бекбосынова, Х.У.Алиев  
Тошкент Фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Оддий цикория ўсимлиги Ўрта Осиё ва Қозоғистон худудида ОИС-си касаллигида, истмалашда, яллиғланишда ва чанқоқликни қондирувчи восита сифатида кенг ишлатилиб келинган. Цикория илдизида кўп миқдорда цикория гликозиди ва инулин моддаси бор. Адабиётларда келтирилган маълумотларга қараганда инулин қондаги қанд миқдорини тушириш қобилиятига эга.

Ишнинг мақсади: оддий цикория ўсимлиги илдизининг қуруқ экстрактини экспериментал гипергликемия кечимига таъсирини ўрганиш.

Усуллар: экспериментал гипергликемия ҳолати 30 та массаси 153-185г. ли лаборатория каламушларида уларнинг қорин бўшлиғига глюкозанинг гипертоник эритмасидан 4,5г/кг дозаларда юбориб юзага чиқарилди. Ўрганилаётган препаратнинг гипогликемик таъсири маълум препарат манилин билан қиесий ўрганилди. Тажрибадаги ҳайвонлар 5 та гуруҳга 6 тадан бўлиб чиқилди. Цикория илдизининг қуруқ экстракти оғиз орқали гипергликемия ҳолати юзага чиқарилгунча 25,50 глюкоза юборишдан 30 дақиқа олдин ва 100мг/кг ҳисобида, манинил 5мг/кг дозада юборилди. Назорат гуруҳидаги ҳайвонларга мос равишда дистилланган сув юборилди. Глюкоза юборилгандан кейин тажрибани 60, 90 ва 120 дақиқаларида периферик қондаги қанд миқдори ферментатив усул билан аниқланди.

Натижалар: оддий цикория илдизининг қуруқ экстракти ўрганилган дозаларда юқори даражада қондаги қанд миқдорини туширди. Препарат 25 мг/кг дозаларда қондаги қанд миқдорини тажрибани 60, 90 ва 120 дақиқаларда назорат гуруҳига нисбатан мос равишда 20,3%, 29,5% ва 18% га камайтирди. Препаратнинг дозасини 50 ва 100 мг/кг гача оширилганда препаратнинг қондаги қанд миқдорини тушириш даражаси янада самаралироқ бўлди. Хусусан, препарат 50мг/кг дозада юборилганда қондаги қанд миқдорини назорат гуруҳига нисбатан мос равишда 43,6%, 40,5% ва 20,1% туширди. Худди шу шароитда тиббиётда кенг қўлланилаётган манинил препарати қондаги қанд миқдорини мос равишда 36,2%, 42,1% ва 14,7%-га туширди.

Хулосалар: ўрганилаётган оддий цикория ўсимлигининг илдизини қуруқ экстракти қондаги қанд миқдорини туширади. Препаратнинг гипогликемик таъсири уни 50 мг/кг дозаларда юборилганда энг юқори даражада юзага чиқади. Препарат гипогликемик таъсири бўйича тиббиётда қўлланилаётган хорижий препарат манинидан қолишмайди.